

ФУҚАРОЛАРНИНГ ШАЬНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ВА ИШЧАНЛИК ОБРЎСИНИ ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Темиров Фарход Сайдирахмонович

*Шароф Рашидов Номидаги Самарқанд давлат Универститети
махсус ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация Фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишchanлик обрўсини ҳимоя қилиш мақоласи замонавий жамиятда шахсий ва бизнес манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг долзарб масалаларини қамраб олади. Муаллифлар суд амалиёти, рақамли технологиялар ва ижтимоий тармоқларнинг шахсларнинг ташқи қиёфасига таъсири каби муҳим жихатларни қўтаради, шунингдек, фуқаролар ҳуқуқларининг бузилишининг аниқ ҳолатларини қўриб чиқади. Мақола ҳуқуқий ҳимояни тушунишга интилаётганлар учун ишончли манба бўлиб, ўқувчиларга нафақат назарий асослар, балки туҳмат ва характерга суиқасдга қарши самарали курашиш бўйича амалий кўрсатмалар ҳам беради. Ушбу кенг қамровли тадқиқот бугунги ахборот муҳитида ўзини ўзи ҳимоя қилиш учун фойдали тушунчалар ва ресурсларни тақдим этган ҳолда ҳуқуқий тарғибот оламига эшик очади.

Фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишchanлик обрўсини ҳимоя қилиш ва шахсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ўзаро яхлит бир бутун фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя механизмини ташкил этади. Албатта фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишchanлик обрўси жиноят, маъмурий ҳуқуқий тартибда ҳам ҳимоя қилиниши мумкин. Аммо шахсий ҳуқуқлар ҳам юқоридаги усулда ҳимоя қилинишини унутмаслигимиз лозим. Энг асосийси фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишchanлик обрўсини шахсий ҳуқуқларнинг бир тури сифатида эмас, балки шахсий ҳуқуқлар таркибининг ажralmas қисми сифатида қараш ўринли бўлур эди.

Назаримизда ҳар қандай шахсий ҳуқуқлар таркибида фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишchanлик обрўси мавжуд. Фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишchanлик обрўси шахсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш билан бир хил маънода тушунилади. Шахсий ҳуқуқлар ва фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишchanлик обрўси ўртасидаги узвий боғланиш шахсий ҳуқуқларни туркумлаш натижасида айниқса яққол кўринади. Қатор мамлакатлар қонун ҳужжатларини, жумладан Эстония қонунини таҳлил қилас эканмиз, унда шахсий ҳуқуқлар икки туркумга ажратилганлигини кўрамиз. Биринчи туркумга шахсни хусусий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштирувчи шахсий маълумотлар, иккинчи туркумга ишониб топширилганлик характерига эга бўлган шахсий маълумотлар киритилган. Фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишchanлик обрўси таркибида номга бўлган ҳуқуқ алоҳида аҳамият касб этади. ФКнинг 19-моддаси 1-қисмига кўра, агар қонундан ёки миллий одатдан бошқача тартиб келиб чиқмаса, фуқаро ўз фамилияси ва номидан, шунингдек отасининг исми билан ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади ҳамда уларни амалга оширади. Ҳуқуқни кўллаш амалиётида номга бўлган ҳуқуқнинг бузилиши ва уларни ҳимоя қилиш масаласига оид бир қатор муаммолар учрайди. Масалан, фуқаро С.Хўжаев судга ҳужжатни ўзига тегишли деб топиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилган. Аниқланишича, туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан ҳамда туман архивининг маълумотномаларида Хўжаев Субхон Маматовичнинг О.Хидиров номидаги ширкат хўжалигида 1970-1973 ва 1977-1980 йиллардаги меҳнат фаолияти даврларида унинг фамилияси Мамиев деб юритилган. Ширкат хўжалиги ҳозирда тугатилиб кетганлиги сабабли суд ФПКнинг 283-моддаси 6-бандига асосан аризани қаноатлантирган. Кассация инстанцияси эса даъво аризаси суднинг ваколатига кирмаслиги сабабли ҳал қилув қарорини бекор қилади. Мазкур ҳолатда кассация инстанцияси иш ҳужжатларига илова қилинган С.Хўжаевга берилган унинг иш стажи ва иш ҳақига оид ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини текшириб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, ишни мазмунан кўриши лозим эди. Олий суд фуқаролик ишлари

бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 2 августдаги ажрими билан кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун шу инстанция судига юборилган. Бунга асос сифатида суд, Олий суд Пленумининг 1991 йил 20 декабрдаги “Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 14-бандига ҳамда ФПК 283-моддасининг 6-бандига мувофиқ, суд шахснинг ҳуқуқни вужудга келтирувчи ҳужжатларда (жамоат бирлашмаларига аъзолик билетлари, ҳарбий ҳужжатлар, паспортлар, фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органлари берадиган гувоҳномалардан ташқари) кўрсатилган исми, отасининг исми ва фамилияси билан мос келмаган тақдирда, мазкур ҳужжатларнинг унга тегишлилиги ёки тегишли эмаслиги фактини аниқлаш тўғрисидаги ишларни кўришга ваколатлидир¹, – деган холосага келган. Амалдаги ФҚда шахсий номулкий ҳуқуқлар, шу жумладан, фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш масалалари етарли тартибга солинмаган. Бу ҳолат ФКнинг 99-моддасида шахсий номулкий ҳуқуқлар таркибида барча ҳуқуқлар тўлиқ келтирилмаганлиги билан ҳамда 100-моддасида шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсининг ҳимоя қилиш механизмларнинг етарлича белгиланмаганлиги билан асосланади. Шу сабабли ФКнинг 99-100-моддаларини такомиллаштириш зарур. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сон фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясининг I бўлим 5-бандида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қилувчи фуқаролик қонунчилигидаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш вазифасидан келиб чиқиб, ФКнинг 99-моддасини қўйидаги таҳрирда белгилаш зарур:

Шахснинг ҳаёти ва соглиги, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири,

¹ ФСХ-248-10-сонли ажрим // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. 2019 й. №4. 20-б.

ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш эркинлиги, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳамда туғилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар тортиб олинмайди ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайди.

Вафот этган кишига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бошқа шахслар, шу жумладан ҳуқуқ эгасининг ворислари томонидан амалга оширилиши ва химоя қилиниши мумкин. Бугунги кунда ахборот тарқатиш билан боғлиқ муносабатларда кўплаб ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилмоқда. Хусусан, фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни тарқатиш орқали фуқароларга зарап етказиш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Хусусан, троллар, блогерлар томонидан интернет ва ижтимоий тармоқларда кўплаб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тарқатилмоқда. Ушбу ҳолатлардан химояланишга нисбатан қонунчиликда аниқ механизmlар назарда тутилмаган. Хитой Фуқаролик кодекси 1025-1026-моддаларида бундай механизmlар назарда тутилган. Мазкур бўшлиқни бартараф этиш мақсадида ФКнинг 100-моддасини қуидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш зарур: Агар шахснинг давлат ёки жамият манфаатларини кўзлаб ахборотни олиши, фойдаланиши, сақлаши ва тарқатиши ва шунга оид бошқа ҳаракатлари бошқа шахсларнинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказса, бундай ҳаракатлар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик келтириб чиқармайди, қуидаги ҳолатлар бундан мустасно:

фактларни тўқиб чиқариш ёки бузиб кўрсатиш;

бошқа шахс томонидан тақдим этилган ахборотнинг тўғрилиги ва ишончлилигини оқилона текшириш мажбуриятини бажармаганлик;

ҳақоратли сўзлардан ёки ифодалардан ёхуд ҳақоратлашга қаратилган ўзгача усуллардан фойдаланиб бошқа шахснинг обрўсига путур етказиш.

Шахснинг ахборотни тўғрилигини ва ишончлилигини текшириш бўйича оқилона мажбуриятларини бажарганлигини аниқлашда қуидаги омиллар ҳисобга олинади:

- ахборот манбасининг ишончлилиги;
- ишончлилиги ноаниқ бўлган ахборот юзасидан текширувлар ўтказилганлиги;
- ахборотнинг амалда бўлиш вақти бўйича чекланганлиги;
- ахборотнинг жамоат тартиби ва ахлоқ қоидаларига мувофиқлиги;
- жабрланувчининг обрўсини тушириш эҳтимоли;
- ахборотни текшириш имкониятининг мавжудлиги ва унинг баҳоси.

Бугунги кунда ахборот тарқатиш билан боғлиқ муносабатларда кўплаб ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилмоқда. Хусусан, фуқаронинг шаъни, қадрқиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни тарқатиш орқали фуқароларга зарар етказиш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Хусусан, троллар, блогерлар томонидан интернет ва ижтимоий тармоқларда кўплаб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тарқатилмоқда. Ушбу ҳолатлардан химояланишга нисбатан қонунчиликда аниқ механизмлар назарда тутилмаган. Шу сабабли ФКнинг 100-моддасига саккизинчи қисм сифатидаги қуидаги нормани киритиш зарур:

Жамият манфаатларида учинчи шахсларнинг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган маълумотларни йиғган, таҳлил қилган ва тарқатган шахслар, агар улар қуидаги ҳаракатларни содир этмаган бўлсалар, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдан озод этиладилар:

- фактларни тўқиб ёки бузиб кўрсатиш;
- бошқалар томонидан тақдим этилган маълумотларни оқилона текшириш бўйича мажбуриятни бажармаслик;
- бошқаларнинг обрўсига путур етказиш ниятида ҳақоратли сўзлардан фойдаланиш.

Ахборот тарқатувчининг ҳаракатларига баҳо беришда қуидаги омиллар инобатга олиниши керак:

ахборот манбасининг ишончлилиги;

аниқ тортишувларга сабаб бўладиган маълумот бўйича керакли текширувлар ўтказилганлиги;

ахборотнинг муайян муддатга тааллуқлиги;

ахборотнинг жамоат тартибига ва яхши урф-одатларга мувофиқлиги;

жабрланувчининг обўсига путур етиш эҳтимоли;

ахборотни текшириш имкониятлари ва қиймати.

Фикримизча, таклиф этилаётган нормалар ушбу бўшлиқни тўлдиришга хизмат қиласди.

Фуқаронинг тасвирининг ҳимояси бугунги ахборот коммуникация ривожланган даврда долзарб аҳамият касб этади.

Чунки, фуқаро тасвирини олиш ва уни тарқатиш воситаларининг тури жуда кенг ва тасвирдан турли ғаразли ва ноқонуний мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин. Бу эса фуқаронинг шахсий номулкий ҳуқуқлари объектларидан бири саналадиган тасвирга бўлган ҳуқуқ бузилишига олиб келади. Бошқа томондан қараганда, шахснинг тасвиридан унинг розилигисиз фойдаланишга йўл қўйиладиган ҳолатларни ҳам назарда тутиш зарур. Қозогистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 145-моддасида ҳам мазкур қоидалар белгиланган. Фикримизча бундай қоидалар ФКГа 100¹-модда сифатида киритилиш ва қуидаги мазмунда белгиланиши керак:

Фуқаро тасвирининг ҳимояси

Фуқаронинг тасвири – бу видео, ҳайкалтарошлиқ, расм ёки бошқа бир ташувчи воситалар орқали акс эттирилган маълум бир жисмоний шахсни танитувчи ташқи қиёфаси.

Фуқарони тасвирга (шу жумладан, фото тасвирини, унинг тасвири акс этган видео тасвир ёки тасвирий санъат асарини яратиш) тушириш, шунингдек унинг

тасвиридан фойдаланиш учун ушбу фуқаронинг розилиги, агар фуқаро вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, унинг қонуний вакиллари розилиги талаб этилади, бундан қўйидаги ҳоллар мустасно:

1) тасвиридан қўйидаги давлат ёки жамият манфаатлари учун фойдаланилганда:

тасвиридан ҳуқуқбузарликка қарши курашиш мақсадида, давлат ва (ёки) жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи воқеа-ҳодисалар ҳақида хабар беришда;

тасвиридаги шахснинг жиноят содир этганлиги ёки бедарак йўқолганлиги сабабли қидирув эълон қилишда;

давлат хизматчиларининг хизмат вазифаларини бажариши жараёнидаги тасвиридан фойдаланишда;

2) фуқаро оммавий тадбирларда (концерт, байрам сайиллари ва бошқа) ва жамоат жойларида (умумий овқатланиш, савдо ва хизмат қўрсатиш объектлари, таълим муассасалари, ҳайвонот боғи, истироҳат боғлари, кўчалар ва бошқа) тасвириланган ҳамда тасвиридан фойдаланишдан мақсад фақат ушбу жойлардаги умумий жараёнларни намойиш этиш бўлса;

3) давлат ва жамоат арбоблари ҳамда илм-фан, маданият ва бошқа соҳалар таниқли вакилларининг тасвиридан жамият учун катта қизиқиши уйғотадиган ахборотни тарқатиш мақсадларида фойдаланилганда;

4) фуқарони тасвирига тушириш ва (ёки) унинг тасвиридан фойдаланишдан мақсад ушбу фуқаронинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлса;

5) фуқаронинг ҳақ эвазига туширилган тасвиридан ушбу тасвири туширишдан кўзланган мақсадларда фойдаланилганда.

Фуқаронинг тасвиридан фойдаланиш деганда уни тарқатиш, қайта ишлаш ва намойиш этиш тушунилади. Агар вафот этган фуқаронинг фарзандлари, эри ёки хотини ёинки ота-онаси бўлса, уларнинг розилигисиз ушбу фуқаронинг тасвиридан фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

Фуқарони тасвирга тушириш ва (ёки) унинг тасвиридан фойдаланишга розилик ёзма ёки оғзаки шаклда ёҳуд бошқа розиликни яққол кўрсатувчи ҳаракатлар орқали билдирилади. Фуқарони тасвирга туширишга ва (ёки) унинг тасвиридан фойдаланишга берилган розилик ушбу розиликни олган шахсдан бошқа шахсларга ушбу тасвирдан фойдаланиш хуқуқини бермайди. Фуқаронинг ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида белгиланган талабларга риоя қилинмасдан туширилган ва (ёки) фойдаланилган тасвири сақланаётган манбадан (фотоаппарат, камера, мобил телефон ва бошқа ускуналар хотирасидан) ўчириб ташланиши, фуқаронинг тасвири акс эттирилган моддий неъматларнинг йўқ қилиниши ва муомаладан чиқарилиши, шунингдек, ҳар қандай босма ва электрон оммавий ахборот воситаларидан, Интернет тармоғидан ҳамда ташки реклама ва реклама хусусиятига эга бўлган тарқатма материаллардан олиб ташланиши лозим.

Агар фуқарони тасвирга туширган ва (ёки) унинг тасвиридан фойдаланган шахс(лар) томонидан ушбу модданинг олтинчи қисми талаблари ихтиёрий равишда бажарилмаганда фуқаро (вафот этган бўлса – унинг фарзандлари, эри (хотини) ёки ота-онаси, вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса – қонуний вакиллари) бундай талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Ушбу модда талабларига риоя этилмаслиги оқибатида фуқарога ва ушбу фуқарони тасвирга туширган ва (ёки) унинг тасвиридан фойдаланувчи шахсга етказилган заарлар ва маънавий зиённи ундириш суд тартибида ҳал қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқи объектлари. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 17 б.
2. Насриев И.И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишининг фуқаролик-ҳуқуқий муоммолари. – Тошкент.: Гофур Гулом номидаги нашириёт-матбаа ижодий уйи. 2006. – Б. 11.
3. Малеина М.Н. Защита личных неимущественных прав советских граждан. М.: Изд. Знание, 1991. –с. 9.
4. Гражданское право: Учебник. Ч. 1 / Под ред. Ю.К.Толстого, А.П.Сергеева: – М.: Изд-во ТЕИС, 1996. – С.189.
5. Халфина Р.О. Общее учение о правоотношении. – М.: Юрид. лит., 1974. – С. 124.
6. Большая юридическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2007. – С. 339.
7. Гуев А.Н. Гражданское право: Учебник. – В 3 т. – Т. 1. – М.: Экзамен, 2006. – С. 210.
8. Ниязова А.Н. Гражданко-правовое регулирование личных неимущественных отношений в Кыргызской Республике: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. – Алматы, 1999. – С. 6.
9. Толстой В.С. Личные неимущественные правоотношения. – М.: Академии повышения квалификации и профессиональной переподготовки работников образования, 2009. – С.10.
10. Гражданское право (Общая часть). Учебник. –Ташкент: ТГЮИ, 2010. – С.306.
11. Bakhtiyorovich, I. D. (2024). Auction as a Method of Privatization of State Property. International Journal of Scientific Trends, 3(1), 5-10.
12. Умаров Т. Ўзбекистонда шахсий номулкий ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий воситаларида ҳимоя қилиш масалалари. –Тошкент: Фан, 2000. –21 б.
13. Маткурбанов Р.Ж. Проблемы правосубъектности граждан (физических лиц) в гражданском праве. –Ташкент: ТГЮИ, 2008. –69 с.